

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди  
№ 160-3-42  
2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2017 йил “19” август даги  
20 сонли бўйруғи билан  
тасдиқланган.

**“Кончилик иши”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаoliyatiни*

*Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2017 йил 18 август даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган*

Тузучилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларирида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Каххарова.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг конунчиллик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдинев, ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.д., М.Т.Мирсаидов, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулонов.

“Электрон педагогики иеослари ва педагогнинг шахсий, касбий изборот майдонини лойихалаш” модули: ф-м.ф.и., доц. Х.Холимедон, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий корижий тол” модули: катта ўқитувчилар У.Гиесон, Ф.Бойсаринев, Ўзбекистондаги Британия Кентинининг стиличи мутахассислари.

“Олий таълим жирайини бошқаришда тишимли таъдилни кирорлар кабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.с.ф.и. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.и., доц. А.З.Каримов

Маҳсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт Эдрюв Ветхерслт (Англия)

Ишчи гурӯҳ: т.ф.д., ў.Ф.Носиров, доцентлар: И.И.Инагамов, И.К.Умарова, О.Турсункулов, катта ўқитувчилар Т.Ж.Аннақулов, Г.А.Джаналиева, М.Кадиров

Тақризчилар:

Хорижий эксперт: Эдрюв Ветхерслт (Англия)  
ЎзР ФА академиги, г.-м.ф.д., профессор Х.А.Акбаров

Ўкув дастури Тошкент давлат техника университети Кентинининг кирори билан тасдиқка тавсия қилинган (2017 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4732-сон 2017 йил 7 февралдаги “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апреддаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланған устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузылған бўлиб, у замонавий талаблар асосида кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориши мақсад қиласди.

Дастур мазмуну олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усуулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тулади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнинг кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг конунчиллик хужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Maxsus фанлар**

6.1. Кончилиқда инновацион маркшайдерлик хизмати.

6.2. Фойдали қазилма конларини казиб олишда истиқболли йўналишлар.

6.3. Фойдали қазилмаларни бойитишда истиқболли йўналишлар.

6.4. Кончилик машина ва комплекслари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига кўйидагилар киради:

- “Кончилик иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самараали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Кончилик иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самараали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якуннда тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

- ер қаърини муҳофазалаш ҳамда кончилик ишларини бехатар олиб боришнинг маркшайдерлик таъминотини;
- кончилик ишлаб чиқаришида технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларини;
- кончилик соҳасидаги инновацияларни;
- фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш асосларини;
- замонавий қазиб олиш машиналари, уларнинг турлари, ишлаш усуслари, ишчи органлари, техник кўрсатгичларини;
- замонавий экскаваторлар турлари, асосий қисмлари, ишчи механизмлари, уларнинг ишлаш принципини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- карьер ва рудниклар ишлаб чиқариш кувватларини ва кон лаҳмлари кесим юзаларини аниқлаш;
- фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- кончилик саноатида қўлланиладиган кон, транспорт ва турғун машина ва жиҳозларининг аниқ шароитлар учун рационал кўрсаткичларини белгилаш;
- рудани қазиб чиқариш кўрсаткичларини аниқлаш;

- фойдали қазилманинг йўқотилиши ва сифатсизланиши сабабларини аниклаш;
- рудали конларни очиш схемаларини ишлаб чиқиш;
- карьер майдонини очиш усулини танлаб олиш;
- конларни очик усулда қазиб чиқариш тизимларидан фойдаланиш;
- конларни замонавий механизациялар ва замонавий технологиялар ёрдамида қазиб олиш усулларидан фойдаланиш;
- замонавий қазиб олиш машиналарининг турлари, ишлаш усуллари, ишчи органлари, техник кўрсатгичлари, ишлатишдаги муоммолар ва асосий кўрсатгичларини ҳисоблаш;
- бургулашда автоматлаштириш тизимларини кўллаш;
- замонавий экскаваторлар ишчи механизмлари, ишлатилиш кўлами ва ишлатишдаги асосий кўрсатгичлари.
- бўйича *кўниқмаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- конларни оқилона қазиб олиш, улардан комплекс фойдаланиш, ер қаърини муҳофазалаш ҳамда кончилик ишларини бехатар олиб боришда маркшейдерлик таъминоти асосида фаолиятни ташкил этиш;
- конларни қазиб олиш ва фойдали қазилмаларни қайта ишлашда кўлланиладиган замонавий жиҳозлардан фойдаланиш;
- Замонавий қазиб олиш машиналарининг асосий кўрсатгичларини ҳисоблаш;
- бургулашда автоматлаштириш тизимларини кўллаш;
- “Кончилик иши” йўналиши мутахассислик фанларини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- кон массаси ҳажмларини ҳисоблаш;
- кон захираларини ҳисоблаш;
- қазиб олинган руданинг нобудгарчилиги ва сифатининг ҳисобини юритиш;
- катламли конларни очиш, қазишга тайёрлаш ва қазиб олиш;
- карьерларда юкларни ташиш;
- рудали конларни қазишга тайёрлаш;
- карьер майдонини очиш усулини танлаб олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“Кончилик иши” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмун**

### **I. Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари**

#### **1.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустақил демократик тараккиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулокот ва инсон манфаатларини химоя килиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хукукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Конун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Ғармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Ғармонига ўзгартириш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида

мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тұғрисида”ги Низом. “Магистратура тұғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва үтказиш тартиби тұғрисида” ги Низом ва бошқа мө耶рий хужожатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдагы “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясыдан үтказиш тартиби тұғрисидаги низомга үзгартыриш ва құшимчалар киритиш хакида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартағы «Янги үкув услугий мажмуаларни тайёрлаш бүйіча услугий күрсатмани тавсия этиш тұғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартағы «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тұғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдеги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадасы тұғрисида”ги 123 -сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдеги Ўзбекистон Республикаси Президенттінинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тұғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдеги Қарорини ижроси тұғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдагы “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасының 2017 йил 20 майдагы 304-сонли Қарори ижроси тұғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари.

Олий таълим муассасаларыда үкув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йұналтирилған таълим технологияларининг мазмуни, үналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаолигини ошириш ва мустақил таълим мини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий үйинлар, муаммоли үқитищ, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан үкув-тарбия жараённанда фойдаланиш. Үкув лойихаларини ишлаб чиқиши ва амалиёттега татбик этиш.

Педагог касбий компетентлігінинг түзилиши ва мазмуни. Педагог психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлігі мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Үқитувчининг коммуникатив компетентлігі, педагогик жараёнда мұлоқот услубларини тұғри танлаш ва улардан самаралы фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро мұносабатларни самаралы ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самаралы хал этиш йұллары. Замонавий педагог имиджи ҳамда үқитувчининг үз-үзини касбий ва шахсий такомиллаштырып бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорлықнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлікни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлары. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## **2.2. Соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.**

Соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар. Илғор хорижий давлатларда қабул қилинган таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари. Мазкур таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан қиёсий таҳлили.

Соҳа фанларини ўқитишида талабаларни назарий билимларини тузулмасини ва базасини шакллантириш. Назарий билимларини таркиби ва мазмунини амалиётга мос келтириш.

Мехнат бозорида юкори даражада рақобатбордош бўлиш учун психологик кўнималар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув- методик материалларини яратиш усувлари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикиси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усувлари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.**

Соҳада кўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. 3D технологиялар ва уларнинг хусусиятлари. Соҳа бўйича масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Соҳада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Соҳада масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимим ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш боскичлари. Соҳада эркин ва очик кодли дастурний таъминотлар таҳлили.

Соҳада бўйича курс лойиха ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС), Pro/ENGINEER, CATIA, SolidWorks дастурлар.

Соҳада MathCAD, Matlab/Simulink, SCADA, GAUSS, SimPowerSystem дастурлардан фойдаланиш.

Соҳада Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Соҳадаги оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, Udemy, UDACITY).

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнгималарни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: қасбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнгималари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигига). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятларро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вактни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва қасбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

##### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг максади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга

оширишнинг асосий боскичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул килиш усуслари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул килиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул килиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошкаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул килиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## 5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари

Техникада тизимли таҳлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқикотлар натижасининг тизимли таҳлили. Олинган илмий тадқикот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Билиш жараёнларнинг ички тизимлилиги. Техникада тизимли таҳлилнинг усул ва моделлари. Моделдаги элементларни нисбий ҳақиқий билиш даражаси. Техникада тизимларни моделлаштириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуслари. Техникада чизикли дастурлаш масалалари ва уларни ечиш йўллари. Техникада статистик ноаниклиқдаги танлов қонуниятларини таҳлил қилиш. Техникада ечимлар қабул қилишда эксперт усуслари ва прогноз элементлари. Табиий ва сунъий тизимлар, уларни умумлаштириш асослари.

# VI. Махсус фанлар

## 6.1. Кончиликда инновацион маркшайдерлик хизмати.

Фойдали қазилма конларини қазиб олиш ишларидаги маркшайдерлик хизмати вазифалари. Маркшайдерлик ишининг график хужжатлари. Фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишнинг маркшайдерлик тасвирга олиш турлари ва жойлари. Ер ости теодолит йўллари. Ер ости кон лаҳмларидан ўтища маркшайдерлик хизмати ва вазифалари. Тасвирга олиш ишларida инновацион технологиялардан фойдаланиш. Фойдали қазилмаларни очиқ усуlda қазиб олиш ишларидаги маркшайдерлик хизмати ва вазифалари. Кон лаҳмларидан ўтища маркшайдерлик ишлари. Бурғилаш ва портлатиш ишларининг маркшайдерлик таъминоти. Кон массаси ҳажмларини ҳисоблаш. Кон геометрияси. Ер қаъридан рационал фойдаланишнинг маркшайдерлик таъминоти. Кон захираларини ҳисоблаш. Қазиб олинган руданинг нобудгарчиллик ва сифатининг ҳисобини юритиш. Кон ишларининг салбий таъсири натижасида Ер сирти ва тоф жинслари массивларининг силжиши ва деформацияси. Кузатиш ишида спутникили технологиялардан фойдаланиш.

Каръер бортлари ва ағдарма откосларининг устуворлигини таъминлашдаги маркшнейдерлик усуллари.

## 6.2. Фойдали қазилма конларини қазиб олишда истиқболли йўналишлар.

Қатламли конларни ер ости усулида қазиб олиш технологиясининг асосий тушунчлари. Кон корхонасининг ер ости лахмлари мажмуи. Шахтанинг ер юзасидаги технологик мажмуи. Шахтанинг технологик схемаси тушунчаси. Қатламли конларни очиш, қазишга тайёрлаш ва қазиб олиш тартиби. Шахта майдонини очишнинг усул ва схемалари. Қатламли конларни қазиб олиш тизимлари ва уларнинг қўлланилиш шароитлари, камчиликлари ва афзалликлари. Шахта майдонини қазиб олиш билан кон транспорти ва умумшахта шамоллатиш тизимларининг боғлиқлиги. Шахтада зарарли ҳодисаларнинг олдини олиш тадбирлари.

Рудали конлар тўғрисида умумий маълумотлар. Халқ ҳўжалигига рудали фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг аҳамияти. Рудали конларни қазиб олишни такомиллаштириш йўллари. Рудани қазиб чиқариш кўрсаткичлари. Рудали фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олишга бўлган талаблар. Рудали конларни очиш схемалари ва уларнинг таснифи. Рудали конларни қазишга тайёрлаш схемалари. Рудали конларни қазиб олиш тизимлари. Қазиб олиш тизимини танлашга таъсир этувчи омиллар.

Қазиб олишнинг атрофдаги төғ жинслари массивига таъсири. Қазиб олинадиган бўшлиқни тўлдириш усуллари, тартиби ва уларнинг қўлланиш шароитлари. Бўшлиқни тўлдирувчи қотадиган материаллар, уларнинг мустаҳкамлиги. Қазиб олинган бўшлиқни тўлдириш технологияси.

Очик кон ишлари ва унинг моҳияти тўғрисида умумий маълумотлар. Каръернинг асосий параметрлари. Погона ва унинг элементлари. Очик кон ишларининг табиий омилларга боғлиқлиги. Кон жинслари ва уларни очиқ усулда қазишга тайёрлаш. Портлатиш усуллари ва кон жинсларининг бурғиланувчанлиги. Кон жинсларининг портловчанлиги. Каръерларда қазиб-юклаш ишлари тўғрисида умумий маълумотлар. Бир чўмичли экскаваторлар ковжойининг параметрлари ва кон массасини қазиб-юклаш технологияси. Каръерларда юкларни ташиш. Темир йўл транспорти. Автомобиль транспорти. Каръер автотранспортини ташкил қилиш. Конвейер транспорти.

Каръер майдони ва уни очиш тўғрисида умумий маълумотлар. Очиш усулларининг таснифи. Каръер майдонини очиш усулини танлаб олиш. Каръердаги кон ишлари режими тўғрисида умумий маълумотлар. Конларни очиқ усулда қазиб чиқариш тизимлари ва комплекс механизациялаш тўғрисида умумий маълумотлар. Қазиш тизимлари элементлари ва уларнинг параметрлари. Очик усулда кон қазиш тизимлари таснифи. Каръерларда комплекс механизациялаш структурасининг шаклланиши. Комплекс механизациялаш структураси таснифи. Конларни аралаш усулда қазиб чиқариш.

### **6.3. Фойдали қазилмаларни бойитишда истиқболли йұналишлар.**

Фойдали қазилмаларни бойитишнинг халқ хұжалигидаги үрни. Бойитишнинг усууллари, жараёнлари ва операцияларининг таснифи. Бойитишнинг технологик күрсаткычлари.

Майдалаш жараённининг назарий асослари ва дастгохлари. Янчиш жараённининг назарий асослари ва дастгохлари. Гидравлик классификаторнинг ишлаш принципи. Гравитация усулида бойитишнинг назарий асослари ва дастгохлари.

Бойитишнинг махсус усууллари. Бойитиш махсулотларини сувсизлантириш, куйилтириш, фильтраш, куритиш, чангни ушлаш, оқава сувларни тозалаш. Ер ости бойникларидан комплекс фойдаланиш. Кон ресурсларини комплекс үзлаштириш.

### **6.4. Кончилик машина ва комплекслари.**

Замонавий лаҳим үтиш машиналари, уларнинг турлари, ишлатилиш күлами, техник күрсатгычлари ва асосий кисмлари. Замонавий қазиб олиш машиналари, уларнинг турлари, ишлаш усууллари, ишчи органлари, техник күрсатгычлари, ишлатишдаги муаммолар, асосий күрсатгычларини хисоблаш.

Бургулаш ишлари тарихи, бургулаш машиналари ва уларни ишлатиш. Бургулаш машиналарини ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар. Турли шароитлар учун бургулаш усууллари. Бургулаш курилмаларининг конструкцияси, ишлаш усууллари. Замонавий бургулаша машиналари, уларнинг турлари, техник-иктисодий күрсатгычлари ва ишлатиш күлами. Бургулаш машиналарини хисоблаш, бургулашда ҳаво сарфинаи хисоблаш, компрессор күвватини аниқлаш. Бургулашда автоматлаштириш тизимларини күллаш.

Қазиши-юқлаш машиналарининг ривожланиш тенденциялари. Замонавий экскаваторлар турлари, асосий кисмлари, ишчи механизмлари, уларнинг ишлаш принципи, техник-иктисодий күрсатгычлари, ишлатилиш күлами ва ишлатишдаги асосий күрсатгычлари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларыда педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машғулотлар үтказиш, үтилган дарсларнинг мухокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланған ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йұналишлари ва мутахассисларининг үзиге хослигидан келиб чиккан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларыда ташкил этилади.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бүйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташкари, мустакил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустакил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битириув иши (ложиха иши) ни тайёрлайди.

Битириув иши (ложиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берәётган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанлари даги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинганининг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзgartириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### III. Maxsus адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухamedов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Karimova V.A, Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.

11. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– T.:, Fan, 2010.–686c.
12. Сагатов Н.Х. Кон иши асослари. Ўкув қўлланма.– Тошкент.: ТДТУ, 2005.- 212 б.
13. Умарова И.Л., Солижонова Г.Қ. Фойдали казилмаларни бойитиш ва
14. Сагатов Н.Х., Меликулов А.Д., Шамирзаев Х.Х. Фойдали казилма конларини ер ости усулида қазиши. Ўкув қўлланма. Тошкент. ТДТУ, 2004.-
15. Сагатов Н.Х., Арипова Л.Т. Очик кон ишлари технологияси ва комплекс механизациялаш, Тошкент. ТДТУ нашриёти. 2012.
16. Annaqulov T.J. Kon mashinalari fanidan amaliy ishlarni bajarish bo'yica uslubiy qo'llanma. ToshDTU. 2016 y., 68 b.
17. Нофис М.А., Мальцева И.А. «О сдвижении горных пород при комбинированной разработке коренных месторождений алмазов» вестник.:2002. №2
18. Ткачёв В.А., Прокопов А.Ю., Кочетов Е.В.« Шахтное и подземное строительство». Технология строительства горных выработок: учебное пособие Новочеркасск 2008.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. [www.Ziynet.uz](http://www.Ziynet.uz)
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор  У.Ш.Бегимкулов

“ ” 2017 й.

М.У.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг  
жорий килинишини назорат қилиш Бош  
бошкармаси  
Бошкарма бошлигидан  О.И.Исмоилов

“ ” 2017 й.

М.У.

**Тошкент диния техника университети**

Ректор  С.М. Турабджанов

2017 й.

Тошкент диния техника университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор  Н.А.Абдулжабаров

2017 й.

М.У.